



# YOSHLAR OVOZI

## МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўлиналарнинг махсус-тактик машқларини кузатди.

Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, миллий армиямиз жанговар шайлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталар экан, олдидан турган муҳим вазифаларни ҳам санаб ўтган эди.

Жумладан, қўшинлар истилган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришига қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шугулланиб бориши, барча ҳарбий хизмат-

чилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт экани таъкидланган эди.

Берилган топшириқлар асосида жанговар тайёргарлик учун мунтазам шугулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касб малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажаришига эришиш учун кенг қўлланма чора-тадбирлар кўрилди. Жанговар тайёргарлик дастурлари қайта кўриб чиқилди, бунда, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлишига эътибор қаратилди. Қўшинларни энг замонавий турдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш чоралари кўрилди. Буларнинг барчаси бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба

беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлигини текшириш учун жорий йил 26 ноябрь эрта тонгда қўшинлар «Тревога!» сигнали билан юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилди.

Тўсатдан текширувнинг асосий мақсади — жорий йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ва бошқарув органларида амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон армиясида бу каби текширув ўтказилмаган.

(Давоми 2-саҳифада)



## МИНГТА ГАПДАН АФЗАЛ АМАЛЛАР

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Конституциямизнинг 26 йиллиги муносабати билан бошлаган ижтимоий миссиясини Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида яқунлади. Бир неча кун мобайнида юртимизнинг бу икки манзилида “Ўзбекистон ёшлари — янги замон бунёдкорлари” шиори остидаги ёшлар фестиваллари кўтаринки руҳда ўтказилган эди. Мана, энди Республика тарғибот гуруҳи Навоий замида меҳмон бўлиб турибди.

Тафсилотларга ўтишдан аввал Қашқадарё ва Бухорода кечган жараёнлар сарҳисобига эътиборингизни қаратсак.

ҚАШҚАДАРЁдаги ёшлар фестивали худуднинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олиб, унда салкам 15 минг нафар йигит-қиз иштирок этди. Олдин хабар қилганимиздек, мазкур лойиҳа ўз моҳи-

ятига кўра ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Шу туфайли фестиваль дастури асосан амалий ташаббуслардан ташкил топди.

“Фарзандлик бурчим” хайрия акциясини олайлик. Пойтахтдан келган санъатқору ҳуқуқшунослар, психологлар, ёзувчи ва шoirлар атиги уч кун мобайнида 110 та кам

таъминланган, боқувчисини йўқотган, қолаверса, ногирон фарзанди бор оилалар ҳамда ёлғиз қариялар ҳолдан хабар олди. Эҳтиёжмандларга ногиронлик аравачалари, озик-овқат маҳсулотлари, ўқув қуроллари, бадий китоблар улашилди.

ШУ ТОПДА КУТИЛМАГАНДА ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ АРТИСТИ БИЛАН ЮЗЛАШИБ, УНИНГ ҚЎЛИДАН СОВҒА-САЛОМ ҚАБЎЛ ҚИЛАЁТГАН ОЛИС ҚИШЛОҚ БОЛАСИНИНГ ХОЛАТИНИ БИР ТАСАВВУР ҚИЛИБ КЎРИНГ-А. БУНДАЙ ЭЪТИБОРУ МЕХРДАН КИМНИНГ ХАМ ҚАЛБИ ҚУВОНЧГА ТЎЛМАЙДИ ДЕЙСИЗ. ЁШЛАРИНИНГ ИШОНЧINI ҚОЗОНИШ, ЭРТАНГИ КУНГА УМИДИНИ УЙҒОТИШ МАНА ШУНДАЙ — БИР ҚАРАШДА КЎЗ ИЛГАМАС, АММО ЗАМИРИДА ОЛАМ-ОЛАМ ХИҚМАТ ЁТГАН АМАЛЛАРДАН БОШЛАНАДИ.

Касби тумани “Касби” маҳалла фуқаролар йиғинидаги пастаккина хонадонда истикомат қилаётган бева аёл Раёна Жўрасева ва унинг яққаю ёлғиз кизи Гулсева Гаффорова ўз уйи оstonасида бир гуруҳ тарғиботчилар, шу жумладан, Ўзбек миллий академик драма театри актриси Шукрулла Сўпиевни кўриб, очиги, йиғлаб юборди.

(Давоми 3-саҳифада)

## “PROLOGUE”: янги чача старт



Пойтахтимизда “PROlogue — 2018” халқаро кинофестивалига старт берилди. Мамлакатимиз маланий ҳаётдаги энг ёрқин ҳодисалардан бири Ёшлар ижод саройида ташкил этилган “Ўзбек киноти тарихи” номли фо-

тоқургазма билан бошланди.

Экспозицияда 70 та фотосурат намойиш этилмоқда. Улар орасида 1925 йилда “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси номи билан фаолият бошлаган ҳозирги “Ўзбекфильм” киностудия-

сида суратга олинган “Ўлим минораси”, “Иккинчи хотин” каби бадий фильмлардан лавҳалар ҳам бор.

Халқаро кинофестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори Фуркат Зокиров мазкур йирик анжуман соҳадаги миллий ва хорижий тажрибани атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, киноижодкорларга ўзаро мулоқот қилиш имконини яратиб бериш мақсадида қаратилганини қайд этди.

Жорий йилда “PROlogue”га 60 дан зиёд мамлакатдан ижодий ишлар тақдим этилган. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан 280 та картина кўриб чиқилиб, 31 таси фестиваль дастурига киритилди. Киноленталарни баҳолашда мавзунинг долзарблиги, ёшлар ҳаётидаги аҳамияти, талқини ва ёндашувнинг ўзига хослиги каби мезонларга таянилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## PREZIDENT TASHRIFIDAN SO'NG

## БУЮК ЙЎЛ БОШИДА ТУРГАН ҚОРАҚАЛПОҚ ЁШЛАРИ

Қорақалпоғистон ўзининг тарихий ўтмиши, адабиёти, маданияти, санъати, халқ оғзаки ижоди билан дунё тамаддунида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қадимий гўша неча-неча алломалару олимларга, шоиру ёзувчиларга, полвону ботирларга бешиқ бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига таширф буюрди. Давлатимиз раҳбари турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган юртдошларимиз, оддий инсонлар билан самимий суҳбатлашди.

Юртбошимизнинг халқ билан мулоқоти чоғида мамлакатимизнинг энг чекка худуди Кўнғирот туманидаги “Қорақалпоғистон” шаҳарча

фуқаролар йиғини раиси Қутли Қошимбетова мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ушбу шаҳарчада ҳам ўз ифодасини топаётганини ва аҳолининг бундай ўзгаришлардан бениҳоя мамнун бўлиб, кун сайин эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётганини тўқиниланиб гапирар экан “Агар мен шоир бўлсам, бу мўъжизани туганмас шеърини сатрлар билан таърифлар эдим. Бордию ёзувчи бўлсам, бир неча жилдан иборат китоблар ёзган бўлар эдим”, деган самимий сўзлари кўпчилик ижодкорларни тўқинилантириб юборди.

Шеър дostonлар ёзишни ният қилган Қутли опа билан суҳбатлашиш, Қорақалпоғистон шаҳарчасини ўз кўзимиз билан бориб кўриш, бу ерда яшаётган аҳоли билан юзма-юз туриб дилдан, самимий гурунглашиш, Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида атиги уч ой ичида қайтадан

бунёд этилган масканни қаламга олиш, шеър дostonлар ёзиш мақсадида мазкур гўша томон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид бошчилигида Қорақалпоғистон сари йўлга чиқдик.

Сафардошларимиз — танлиқли шоир Рустам Мусурмон, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгесбой Каримов билан бирликда Нукусдан дostonларда айтилганидек “Қорабайнинг белига миниб, отнинг бошини Шимол томон буриб, жовринига бир-икки қамчи уриб”, яъни ўзимизда ишлаб чиқарилган қора “Қаптив”да, маҳаллий аҳоли тили билан айтганда, қайдасан Қарақалпоқия, деб жўнаб кетдик. Масофа оз эмас, кўп эмас нақд 450 чақирим экан.

(Давоми 4-саҳифада)



Аллергия

Қадокдан  
таомномагача

Тазарру

## МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

(Бошланғич 1-саҳифа)

Сигналдан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, барча ҳарбий округ ва бўлиналарда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳарбий полигонларда бир неча махсус-тактик машғулотлар ўтказиш учун кўшилар колонна бўлиб чиқиб кетди.

Бунда асосий эътибор кўшиларнинг барқарор ва узлуксиз бошқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилди. Текширувнинг барча босқичларида хавфсизлик қоидаларига, ҳарбий техника ва қуролларнинг соғлиғига қатъий риоя қилинди. Тўсатдан текширув давомида махсус тузилган идоралараро ишчи комиссия кўшилар ҳаракатини назорат қилиб, таҳлил этиб бормоқда.

Юқори даражадаги жанговар шайлиқка келтирилган бўлиналарнинг эҳтимолий хавфини кайтаришга доир махсус-тактик машқлари Чирчиқ дала ўқув майдонига ҳам ўтказилди.

Машғулотлар шартига кўра, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, икситиш тармоқлари, ўта муҳим объектлар, аҳолининг оммавий йиғилиш жойларида кўпуровчилик ақллари содир этиш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида оммавий тартибузарарлик келтириб чиқаришни мақсад қилган, давлат чегарасига яқин ҳаракатланаётган шартли душманни аниқлаш ва яқин қилиш мақсадларида ҳаво-десантчилари, артиллеристлар, мото-ўқчилар, танкчилар, махсус операция кучлари ҳамда Ҳарбий-ҳаво кучлари бўлиналари қатнашди.

Шартли душман базаларига ва у жойлашган ҳудудларга Ҳарбий-ҳаво кучлари таркибидеги МиГ-29 ва Су-25 қирувчи самолётлари, Ми-24 вертолётларидан зарбалар берилди. Чалғитувчи ҳаракатларни амалга оширган ҳолда, давлат чегарасини ёриб ўтишга фаол қирғин шартли ноқонуний тузилмаларни артиллерия дивизиони ёрдамида яқин қилишга қарор қилинди.

Шундан кейин жанг майдонига танкчилар бўлинимаси пайдо бўлди. Улар танк биатлонига қўлланганидан "Суви тўсиқ", "Эскар" ва "Тир-сакли кўприк"дан мохирона ўтиб, белгиланган маррани эгалаб, "Танк карусели" жанг усулини қўлади.

Мудофаа операцияси давомида шартли оғир яраланган ҳарбий хизматчиларни жанг майдонидан олиб чиқиш, вертолётда эвакуация қилиш жараёни намойиш этилди.

Энг замонавий турдаги жанговар вертолётлар шахсий таркибин белгиланган ҳудудга десант усулида етказди. Парашют-десант батальони маршаллар оралигидан суқилиб қирган шартли душманни умумқўшин захира куч ва воситалари билан яқин қилиш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Махсус-тактик машғулотлар ҳарбийларимизнинг юксак профессионал маҳоратини, юқори жанговар шайлигини, бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишини намойиш этди.

Машғулотларни ҳарбий-маъмурий секторлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам кузатиб борди.

Президентимиз полигон ёнидаги ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, қурол-аслаҳа ва техникани кўздан кечирди. Мудофаа тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан мақсад мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлигини таъминлаш эканини таъкидлади.

Профессионаллик билан алоҳида намуна кўрсатган полковник Қодир Турсуновага автомашина, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга планшетлар совға қилинди. Шу ерда ҳарбий-маъмурий секторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Шу кун Кўролди Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибидеги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча масалалар қатори ҳарбий қурилиш соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хавфсизлик кенгашининг жорий йил 10 январда бўлиб ўтган мажлисида белгиланган берилган йўналишлар ҳаётига татбиқ этилди. Кўролди Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган 46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўтган қисқа вақтда ҳарбий қисмларнинг тузилмалари тўлиқ янгиланди. Самарасиз ва бир-бирини тақрорлайдиган ҳарбий қисмлар қисқартрилди. Натيجада кўшиларни сақлаб туришга кетадиган харажатлар камайди. Озик-овқат билан таъминлашда аутсорсинг тизими жорий этилди. Бу ҳарбий бўлиналар жанговар тайёргарлигини ошириш, вақт кўрсаткичларини икки баробар қисқартiriш имконини берди.

Мамлакатимиз армияси қуролли кучлар қудрати бўйича дунё рейтингидеги бир йилда 9 поғонага кўтарилгани, Буюк Британияда ўтказилган нуфузли "Кембрия патрули" танловидеги ҳарбийларимиз 90 мамлакатдан иштирок этган 123 жамоа орасида биринчи ўринни эгаллагани бу борадаги ишлар тўғрисидаги яқин исботлайди.

Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди ва улар самарали фаолият юритмоқда. Биринчи марта давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Соҳага ихтисослашган корхоналарни яқин қилиш мақсадида Мудофаа саноати давлат кўмитаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг онла аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга қадар ҳарбий хизматчиларга 56 та уй топширилди. 1 минг 500 дан зиёд ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди. Яна 74 та уй қурилиши давом этмоқда.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали кўшиларни бошқариш тизимини тақомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва кўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан гуруҳларини дозиметрига таъкидлади.

— Мана, Амир Темури бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, ҳолисона айтилик, улуг Соҳибқироннинг "Тузуқлари"ни қанча асқар ўқиган, — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев. — Ёки буюк саркарда Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги кўплаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишади.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамд қабул қилишдан олдин албатта, Ўзбекистон тарихи ва "Темури тузуқлари" фанидан синов топшириши кераклигини кайд этди. Илғор ҳарбий қисмларга улуг саркардаларимизнинг номини бериш, мохир лашкарбоши бобларимиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар, кинолар яратишга кўрсатма берди.

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини йиғинчи таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳарбий таълим масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш, мактаблардаги ҳарбий тайёргарлик дарсларига шу ҳудудда хизмат қилаётган, юксак инсоний ва касбий хусусиятларга эга жанговар офицерларни жалб этиш, ўқувчиларни ҳарбий қисмларга олиб бориш ва хизмат жараёни билан яқиндан таништириш бўйича топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА муҳбири

## ҚАДОҚДАН ТАОМНОМАГАЧА

Рохатой ҚОДИРОВА

"Юртимиз озик-овқат махсулотларини маркировка қилувчи етакчи давлатлар қаторига кўшилиши мумкин", — дея хабар беради Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг матбуот хизмати.

ESHITDINGIZMI?



Айни вақтда мутахассислар озик-овқат махсулотлари қадогога аллергенлар мавжудлигини ифодаловчи махсус белгиларни киритишга доир қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Мазкур жараёнда мамлакатимиздаги Халқаро молекуляр аллергия маркази экспертлари ҳам фаол жалб этилган.

Ер юзида озик-овқат аллергиясидан азият чекувчи инсонлар сони кескин ошмоқда. Касалликни даволашнинг энг муҳим чораси — парҳез. Яъни, бемор қундалик рационидан аллерген махсулотларини чиқариб ташлаши зарур. Айнан қайси махсулотлар шу туркумга киришини ҳарид пайтидаёқ билиб олиш айни мудоао. Янги қонун лойиҳаси истеъмолчиға бундай имкониятни яратиб беради.

Матълумот ўрнида айтиш керак, Европа Иттифоқида 13 турдаги махсулот — сут, тухум, ерёнғок, ёнғок, соя, кунжут, бугдой, хан-

тал, балик, қисқичбақа, сельдерей, люпин ва гречиҳа аллергенлар мавжудлиги бўйича маркировка қилинади. Бу борадаги махсус қонунлар АКШ, Канада, Австралиа ва Янги Зеландияда ҳам мавжуд.

Ҳозирда Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илғор технологиялар маркази олимлари республикамиз аҳолисида кўпроқ қайси махсулотлар аллергияни келтириб чиқаришини молекуляр даражада аниқламоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, биринчи ўринни ерёнғок банд этган. Ундан кейин бошқа турдаги ёнғоклар, соя, кунжут, киви ва шафтоли келади.

Вазирлик томонидан барча турдаги овқатланиш объектлари менюсига таомлар таркибидеги аллерген махсулот бор-йўқлиғига доир маълумотни киритиш бўйича таъясилар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Бу эса, аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

## "PROLOGUE": янғича старт

(Бошланғич 1-саҳифа)

Чонг ПИЛ ХАН,  
кинорежиссёр (Корея Республикаси):

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Таасуротларим чексиз. Фестивалда "Менинг исми" номли қисқа метражли фильм билан қатнашяпман. Унда инсон чин қўнғилдан бирон нарсига интилса, ҳар қандай тўсиқларни бартираф эта олиши ва мақсадиға, албатта, эришиши кўрсатилган. Ўйлайманки, фильм қатта ҳаёт оstonасида турган ўсмирлар учун фойдали бўлади.



Аю ШАҲОБИДИНОВ,  
ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Қисқа метражли картинада баъзан бадиий фильм очиб беролмаган муаммони кўрсатиб бериш мумкин. Ёш киноижодкорлар турфа мавзуларға мурожаат қилган, ёндашув ҳам ҳар хил. Муҳими, уларнинг асарлари "тозаланимаган". Яъни, сюжет табиий ҳолиға сақлаб қолинган, ортиқча монтаж йўқ. Мана шу жиҳат томошабиннинг қаҳрамон ички кечинмаларини янада теран ҳис этишиға ёрдам беради. Танлов учун сараланган қисқа метражли фильмларнинг барчасида ҳам мавзулар янғи, деб айтолмайман. Ҳарқалай, изланиш бор. Бирок бадиий ёндашув сустрок. Намойишлар тугаб бўлғач, якуний ҳулосаға келамиз.



Кинофестивалнинг илк кунда кирғизистонлик кинорежиссёрлар тақдим этган "Тунги авария" кинокартинаси ҳамда "Овозсиз ўзбек киносинг тарихи" номли ҳужжатли фильмнинг танловдан ташқари намойиши бўлиб ўтди. Шу билан бирга, юртимиз киноижодкорлари томонидан суратланган "SCORPION" бадиий фильми томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Қисқа метражли фильмлар халқа-

ро танлови доирасида эса, "Бонбон", "Айирбош", "Тошқўмир", "Менинг янғи йилим", "Зимистонга шўнғиб", "Менинг исми", "Содда гоё" каби картиналар тақдими бўлиб ўтди. Улар Туркия, Фаластин, Кирғизистон, Арманистон, АКШ, Жанубий Корея, Эрон, Қозғистон, Швеция, Польша, Россия, ҳамда тожикистонлик ёш режиссёрларнинг дебют асарларидир.

Нозима МИЯССАРОВА

## Билим — иллат кушандаси

Сумбулой НУРМЕТОВА

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан "Барчаси ўз қўлингда!" шиори остида тарғибот тадбири ўтказилди.

OGONLIK — DAVR TALABI



Унинг доирасида Урганч шаҳридаги касб-хунар коллежларида таълим олаётган, жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор ўқувчилар имом-хатиб ҳамда психологлар билан учрашди.

— Жиноят қўчасига қираётган аксарият ёшлар қилмишининг оқибатлари ҳақида тўлиқ хабардор бўлмайди, — дейди Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши бўлими мудири Дилшод Атамуратов. — Бугунгидек тадбирлар эса, ука-сингилларимизни огоҳликка даъват этиши, ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксали-

8-DEKABR — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI KUNI

## ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИ МАҲСУЛИ

Муаттар РЎЗИБОЕВА,  
ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилишида халқимизнинг уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Шу билан бирга, дунёнинг илғор мамлакатлари Конституциялари, инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномалар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг нормалари ҳисобга олинган.

Бу Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида "Ўзбекистон Конституциясининг яратилиш тарихи — бу мустақиллик учун, конституциявий суверенитет учун қурашнинг узвий таркибий қисмидир" мавзусида ташкил этилган конференцияда алоҳида кайд этилди.

Институт бошлиғи Мирзаюсуф Рустамбоев мураккаб жараёнларда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиришини кайд этди. Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимиз халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Институт курсантлари ўз чиқишларида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципал

қоидаларини ўзида мужассамлан-тирганга эътибор қаратди.

Конституциямизнинг муқаддаси Ўзбекистон халқининг инсон ҳуқуқларига содиқлигидан бошланганлиги бежиз эмас. Унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча қарорлар ўрин олган. Қомусимиз инсон манфаати давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани билан янада аҳамиятлидир.

Тадбир доирасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиғига бағишлаб тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборотномаси махсус сони ва декларация мазмун-моҳиятини очишга қаратилган 20 дан ортиқ рисола тақдими ҳам бўлиб ўтди.

(Бошланиши 1-саҳифада)

**ОДДИЙ ОДАМЛАРГА ЯҚИН БЎЛИШ, КЎНГЛИНИ КЎТАРИШ АСЛИДА ҚИЙИН ИШ ЭМАС. НАТИЖАСИ ЭСА, ЖУДА КЎП МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ МУМКИН. ЁШЛАР ИТТИФОҚИ АЙНИ ҲАҚИҚАТНИ ОБДОН АНГЛАБ ЕТГАНГА ЎХШАЙДИ. ШУ БОИС ТАШКИЛОТНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИК НУҚСИДАН ХОЛИ, ҲАММАСИ ХАЛҚ УЧУН ҚИЛИНМОҚДА.**



Юқоридаги фикрга фестивал доирасида Қарши шаҳрида “Ёшлар уйи” фойдаланишга топширилаётган яна бир қарра амин бўлди. Дарвоқе, мазкур шодиёна сабаб нақ 47 та ёш оиланинг

шидаги Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари жалб этилди. Улар Шаҳрисабз шаҳри, Қарши, Шаҳрисабз ва Ғузур туманларида бўлиб, нотинч оилалар,

**Навоний вилоятидаги ёшлар фестивалига пойтахтдан жалб қилинган тарғиботчилар ўн иккита гуруҳга бўлиниб, туман ва шаҳарларда ўз миссиясини бажаришга киришди.**



**ДУОГА ҚЎЛ ОЧГАН ОНАЛАР**

“Фарзандлик бурчим” акцияси доирасида ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинди. Тарғибот гуруҳи вакиллари ва навоийлик фаол ёшлар вилоят марказидаги “Ҳаёт” маҳалласида истиқомат қилаётган Розия Зангировани ҳам йўқлади. Йигит-қизлар онахоннинг уй юмушларига қарашиб, хонадонини таъмирлаб берди. Жисмоний имконияти чекланган Акмал Санасевга ҳам ёрдам кўрсатилди.

— Узок йиллардан буён ёлғиз яшайман, — дейди Розия ая. — Бугун ёшлар ва харбийлар жуда савоб иш қилиб, кўнглимни кўтарди. Бунинг учун барчаларига миннатдорлик билдираман. Қарияларни эъзозлаган ёшларимиз омон бўлсин!

Лойиха бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда.

**ҒОЛИБЛАРГА — ВЕЛОСИПЕД**

Фестиваль давомида Навоний вилоятида спортнинг ўнга яқин тури бўйича беллашувлар ўтказилди. Улардан бири — “Ёшлар-Тур” веломарафони. Навоний шаҳридаги “Ёшлар”

\*\*\*

Ёшлар фестивали тadbирлари Кармана ва Қизилтепа туманларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Қизилтепа енгил саноат касб-хунар коллежида “Ҳоким ва ёшлар”, Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида эса, “Депутат ва ёшлар” учрашувлари ташкил қилинди. Мулоқотлар давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларига жавоб олди.

**ОҚИБАТ АРИМАСИН!**

Кармана туманидаги заиф эшитувчилар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатда 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан байрам дастури намойиш қилинди. Тadbир сўнида “Меҳри қўллар” хайрия фонди томонидан болажонларга совғалар улашилди.

Ҳудди шундай хайрия акцияси Қизилтепа туманидаги 36-махсус мактаб-интернатда ҳам ўтказилди.



стационар қурилмаларни ишлаб чиқариладиган, ишчиларининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этадиган корхона борлиги ҳақида эшитганмисиз?

Ғап “Навоний” эркин индустриал зонасидаги “Olive Telecom” қўшма корхонаси ҳақида. 2013 йилда фаолиятини бошлаб, 2016 йилдан “Telecom Devices Pro” масъулияти чекланган жамиятига айлантирилган ушбу объектда йилига 120 минг дона қурилма ишлаб чиқарилади. Фестиваль доирасида ўқувчи-ёшларнинг бу ерга бизнес-саёҳати уюштирилди.

Меҳмонлар ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Кейинги манзил “Eko garden Navoi” иссиқхонаси бўлди. Уни қизилтепалик Жамшид Жамоллов “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасидан ажратилган 350 миллион сўм кредит маблағи эвазига барпо этган. Ҳозир иссиқхонада 23 минг туп помидор қўчати етиштирилмоқда. 11 нафар йигит-қиз иш билан банд. Ўқувчилар ёш тadbиркор билан мулоқотга киришиб, соҳа сирларидан воқиф бўлди.

## МИНГТА ҒАПДАН АФЗАЛ АМАЛЛАР

азалий орзуси ушалди — улар замонавий ва барча қулайликларга эга янги хонадонларга кўчиб ўтди.



Яна бир ғап. Фестиваль кунлари Чирокчи, Қамаш ва Ғузурда “Ёшлар меҳнат гузарлари”нинг очилгани ҳам ушбу туманлар жамоатчилиги учун ўзига хос воқеага айланди. Зотан, мазкур иншоотларда имтиёзли кредит асосида тadbиркорлик фаолиятини бошлаган ўнлаб тенгдошларимиз кўним топган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан юз нафардан зиёд ёш ишли бўлди.

Республика тарғибот гуруҳи аъзолари “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан Нишон, Қарши, Касби, Миришкор, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Чирокчи, Китоб, Қамаш, Дехқонобод, Ғузур туманларида ташкил қилинган бир қатор хусусий корхоналарнинг очилиш маросимида ҳам қатнашди. Нуруний ва оксколлар, қолаверса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши масъул ҳодимлари маҳалла болалари учун сунъий қопламали спорт майдончасини қуриб берган яккабоғлик ёш тadbиркор Юсуф Мирзаев, Қамашда тикувчилик цехини очган Гулҳаё Турсунова, Шаҳрисабз туманида ме-



бель жиҳозлари ва эшиклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Обиджон Раҳматов каби сергайрат тенгдошларимизни самимий қутлаб, келгуси фаолиятига ривож тилади.

Ёшлар фестиваллари дастурига алоҳида лойиха сифатида киритилган “Мустақкам оила сирини” шиори остидаги ёш оилалар форуми ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Мазкур тadbирга Иттифок ко-

диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган шахсларнинг фарзандлари, оила қуриш оstonасида турган йигит-қизлар, шунингдек, жиноятчиликка мойил ҳамда руҳий тушқунликка тушган болалар билан яккама-якка суҳбат олиб борди. Натижада 18 нафар болани ички ишлар профилактик хисобидан чиқариш бўйича тавсиялар берилди, ажралиш арасида турган ўнга жуфтлик яраштирилди, етти нафар ёшнинг руҳий ҳолати яхшиланди.

\*\*\*

Ижтимоий ургу, ғапдан кўра амални устун қўйиш тамойили ёшлар фестивалининг қўхна БУХОРО заминидан ўтказилган қисмида ҳам яққол ифодаланиб турди.

Ташкилотчилар ҳисоботида киритилган тadbирлар салмоғи оз эмас — нақ 90 та. Албатта, муҳими — сифат. Бу борада ҳам Ёшлар иттифоқи уялиб қолмайдиганга ўхшайди. Зотан, 18 минг



700 нафардан зиёд йигит-қиз учун ҳуқуқий (“Конституция ҳафталиги”, “Ҳоким ва ёшлар”, “Депутат ва ёшлар”, “Суд ва ёшлар” учрашувлари), экологик (“Табият тарафдорларимиз” лойихаси), психологик (Келин-куёвлар инновацион мактаби) мавзулардаги мулоқотлар билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган реал ташаббуслар амалга оширилгани айна ҳақиқат.

Масалан, Республика тарғибот гуруҳи вакиллари ҳамда Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши мутахассислари олтинта туман ва шаҳарга “Муваффақиятга эришиш сирлари” деб номланган лойиха билан кириб борди. Ҳар бир учрашувга тажрибали тadbиркорлар таклиф қилиниб, бизнесга қалам қўйиш истагидаги жами 1 минг 120 нафарга яқин тенгдошларимиз билан ўз тажрибасини ўртоқлашди, қимматли маслаҳат ва тавсиялар берди.

Олтин маротаба “Фарзандлик бурчим” акцияси ўтказилиб, 1 минг 500 нафардан зиёд ёш 55 нафар ёлғиз қарияни йўқлади. Ҳар бирига совғалар улашилди, уй-юмушларига қарашилди. Ўн учта туманда эса, минглаб ёшлар бепул тиббий қўриқдан ўтказилди.

Наргиза УМАРОВА



**ГУВОҲНОМАЛАР ТАЙИН**

Халқимизга тўйлар ярашади. Бир оиланинг барпо бўлиши қувончли ҳодиса. Аммо унинг

Шунингдек, “Бизнес-саёҳат” лойихаси доирасида тadbиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшлар учун яна учта йирик корхона — “Зарафшон Жасур Навоний”, “Тошрабат

спорт мажмуасида ташкил қилинган мусобақада 400 нафардан зиёд ҳаваскор иштирок этди. Ғолиблар турли ёш тоифаларида аниқланиб, диплом ҳамда мамлакатимизда

**“ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — ЯНГИ ЗАМОН БУНЁДКОРЛАРИ” ШИОРИ ОСТИДАГИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР ТОМОНИДАН ОҒИР КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН 26 НАФАР БОЛАГА БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ**

ишлаб чиқарилган велосипедлар билан тақдирланди.

— 18-30 ёш тоифасида биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди Руслан Алиев. — Рақибларим ҳам чаккон экан. Бугунги ютуқ спортга ҳавасини янада оширди. Энди янги велосипед миниб юраман.



мустақамлигини таъминлай билиш ҳам керак. Шу мақсадда Қизилтепа тумани ФХДБ бўлимида “Мустақкам оила сирини” ёш оилалар форуми ташкил қилинди. Унинг доирасида бўлажак келин-куёвларга оила муқаддас экани ва уни асраб-авайлаш зарурлиги уқтирилди.

— Жорий йилда ҳудудда 1 минг 204 та никоҳ қайд этилди, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Зухра Рашидова. — Афсуски, шу вақт мобайнида 96 та оила барбод бўлган. Бу ҳавотирли ҳолат, албатта. Биз, жамоат ташкилотлари аҳоли билан биргаликда вазиятни ўнглашга баҳоли қудрат ҳаракат қилияпмиз.

Яқунда тўртта жуфтликка никоҳ қайд этилгани ҳақидаги гувоҳнома, китоблар ва бошқа совғалар тантанали равишда топширилди. Форум тумандаги харбий қисмда давом этди.

**КЕЛИБ КЎРГАН БОШҚАЧА**

Қизилқумнинг қок ўртасида юқори инновацион технологиялар асосида мобиль ва



**ИЖОДКОРЛАР УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИ**

Кармана туманидаги “Китоб олами” мажмуасида таникли ёзувчи ва шoirлар, ёш ижодкорлар иштирокида “Ёшлар кутубхонаси” лойихаси амалга оширилди. Ватан, тинчлик, шукроналик мавзуларида шеърлар ўқилди. Устоз адиблар ижод бўстонида эндигина кириб келаётган ёшларга ўз тавсия ва маслаҳатларини берди.

Шунингдек, тadbир давомида “Оилаларга маърифат улашиб” лойихаси амалга оширилди, ёш оилаларга китоб жамланмалари совға қилинди.

Навоний вилоятида ёшлар фестивали давом этмоқда.

Шерзод МАХМУДОВ,  
Дилноза АБДУҲАМИДОВА,  
Дилқушо НАВРОЎЗОВА,  
Жавлон ВАҒФОВ.

(Boshlanishi 1-sahifada)

# BUYUK YO'L BOSHIDA TURGAN QORAQALPOQ YOSHLARI

*Yulduz o'tgan, kunduz o'tgan, shimoldan bir shamol o'tgan,  
Go'dak o'tgan, keksa o'tgan, baayni bir kamol o'tgan,  
Dilorom-u Diloroy-u necha sohibjamol o'tgan,  
Dunyo yugin yelkalagan munkaygan bir hammol o'tgan.*

*Javobi yo'q savol o'tgan, savoli yo'q javob o'tgan,  
Gunohkorlar orasidan yuzin to'sib savob o'tgan,  
El dardini kuylay-kuylay uzilgan tor — rubob o'tgan,  
Mard ortidan xanjar sanchgan vijdoni yo'q nobop o'tgan,*

*Temur bobom na'rasidan yetti iqilm titrab o'tgan,  
Qalam bilan bir buyuk zot yurak bag'rin tirnab o'tgan,  
Nola chekib, ohlar urib, dunyo ham dil tig'lab o'tgan,  
Yurtfurushlar yerga qarab yig'lab o'tgan, yig'lab o'tgan.*

*Mayli oqil, mayli fozil, mayliga u avom bo'lsin,  
Ko'ngillar shod, manzil obod, yo'llarimiz ravon bo'lsin,  
Kim o'tsa ham omon bo'lsin, ezgu amal tomon bo'lsin,  
Urush-janjal, fisqu fasod, g'araz-fitna tamon bo'lsin!*

Nihoyat, olisdan daraxtlar ko'rina boshladi. "Daraxt bor joyda odam bor, odam bor joyda daraxt bor", deyishadi eskilar. Mana, Qoraqalpog'iston shaharchasidamiz. Bu yerda uch mingdan ziyod aholi yashashini, uchta bolalar bog'chasi, ikkita maktab, bitta shifoxona, temiryo'l vokzali, kichik dehqon bozori, meteoatsiya ta'mirlangan-yu, hudud markazida zamonaviy madaniyat saroyi faoliyat boshlagani, namunaviy loyihalar asosida 24 ta yangi uy-joy barpo etilgani, mavjud ko'p qavatli turar-joylar ta'mirlanganini Qutli opa bilan suhbatimizdan so'ng bilib oldik.

— Shaharcha aholisining madaniy hordiq chiqarishi uchun tez-tez badiiy kechalar o'tkazib turamiz. — deydi madaniyat saroyi direktori Quvonch Abduraimov. — Bu maskan kapital ta'mirlashdan keyin haqiqiy koshonaga aylandi, ilgari ko'rinish bilan bugungi qiyofasining orasida Ustyurt kengliklaricha, osmon bilan yercha farq bor.

Shaharcha markazida qad rostlagan zamonaviy bolalar va o'smirlar sport maktabidamiz. Poytaxtdagidan kam bo'lmagan sharoitda 120 nafar o'g'il-qiz sporting boks, milliy kurash, shaxmat, shashka kabi qator turlari bilan mutazam shug'ullanmoqda. Ushbu shaharchadan boks bo'yicha Jandos Tirke-shov, Erlan Balg'amambetov singari mamlakat chempionlari yetishib chiqqan ekan. Albatta, maktab ikkita chempion bilan kifoyalani qolmaydi. Ularning safi kengayishiga umid qilamiz. Buning uchun barcha sharoit muhayyo. Bo'lajak Olimpia-

da sovrindorlari, jahon chempionlari ham hozir shu maktabda tarbiyalanayotgan bo'lsa, ne ajab. Maktabning boks bo'yicha murabbiysi Samad Baynazarov bugungi kunda o'ttiz nafar bolaga boks sirlarini o'rgatib kelyapti. Suhbatimiz davomida u shogirdlariga katta ishonch bildirib, yigitlar kelajakda yuksak marralarni egallab, Vatanimiz bayrog'ini balandga ko'tarishda bor imkoniyatlarini sarflashini aytdi.

Madaniyat saroyi tomon o'zida yo'q xursand, sumkasini yelkasiga osib olganicha bir-birlari bilan gaplashib, kulib, sakrab-sakrab kelayotgan, oppoq orzularga burkangan, o'zlari ham oppoq kabutarlarga o'xshab ketadigan maktab o'quvchilarning birini gapga soldim.

— Men 56-maktabning 5-sinf o'quvchisi Nurdana Amanova bo'laman. Sinf rahbarimiz Mirzayeva Zinayda opa bizni shu yerga yubordi. Ana, o'zlari ham kelayapti. Shahrimizga Toshkentdan shoir-ijodkorlar, Nukusdan teatr aktyorlari kelganini eshitib juda xursand bo'ldik. — deydi yoshgina qizcha ko'zlari porlab.

Madaniyat saroyida shu yerlik aholi bilan qizg'in uchrashuv, she'rxonlik bo'lib o'tdi. Yig'ilganlar O'zbekiston xalq shoiri Sirojiddin Sayyidga o'zlarini qiziqitirgan savollarini berishdi. Qoraqalpog'iston shaharchasida O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasining kutubxonasini tashkil etish bo'yicha Qutli opa bilan kelishib olindi. Shu maqsadda 300 dan ziyod badiiy adabiyotlar topshirildi. Yaqin kunlarda shaharchaga Yozuvchilar uyushmasi tomonidan yana kitoblar olib borib topshiriladi hamda kutubxona o'z ishini boshlaydi.

Shundan so'ng Qoraqalpog' davlat yosh tomoshabinlar teatri ijodkorlari sahnalashtirgan "Sodiq do'stlar" spektakli namoyish etildi. Dramaturg Jo'ra Mahmudov qalamiga mansub mazkur asar yoshlar qalbida vatanparvarlik, yurtga, oilaga, ota-onaga, do'stiga hurmat va sadoqat tuyg'ularini tarbiyalashi bilan ham katta ahamiyatga ega.

Qoraqalpog' adabiyotida Berdaq, Ajiniyoz, Kunxo'ja kabi mumtoz shoirilar, Ibroym Yusufov, To'lqanberg Qaipbergenov singari ustoz ijodkorlarning izdoshlari sifatida o'z so'zini, ijodim bilan dunyoni zabt etaman degan yoshlar talaygina. Bayram Aytmuratov, Sarvinov Musaddinova, Ayjamal Karamaddinova, Go'zal Otajonova, Allayar Dardenov singari yoshlar shular qatorida.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi tomonidan an'anaviy tarzda o'tkazilib kelinayotgan yosh ijodkorlarning "Zomin" seminarida ham qoraqalpog'istonlik yoshlar alohida ajralib turadi. Misol uchun, Aydo'st Muhammad-yarov, Lachin Avezova, Guljayna Paxriddinova, Abadan

Serjanova, Anvar Allambergenov, Dinara Begdullayeva seminar davomida o'z ijod namunalari bilan ustozlarning nazariga tushdi.

Ijodkor yoshlarning safi kengayib borayotganiga Ibroym Yusufov nomidagi ijod maktabida bo'lib o'tgan ijodiy uchrashuvda yana bir bor amin bo'ldik. O'quvchilar o'zlari yozgan, yod olgan she'rlarini o'qib berishdi. She'rlar ham shunchaki havasga yozilgan emas. Tosh bosadigan ijod namunalari.

Ijod maktabida tahsil olayotgan o'g'il-qizlarga o'qib izlanishdan to'xtamasliklarini, bilim va ko'nikmalarini mustahkamlab borib, kelajakda mamlakatimiz taraqqiyoti yo'lida fidoyi insonlar bo'lib yetishishlarini tilab, o'zimiz bilan olib borgan kitoblardan ijodiy maktab kutubxonasiga sovg'a qildik.

Keyingi uchrashuvimiz Shimoli-G'arbiy harbiy okrugga qarashli Nukus gomizonida bo'lib o'tdi. Ijodkorlar ishtirokida o'tkazilgan ijodiy uchrashuv tom ma'nodagi bayramga aylanib ketdi.

Harbiy libosi egniga yarashgan norg'ul va baquvvat yigitlarning ko'zlarida qat'iy ishonch, ulkan maqsadlar sari shijoatni ilg'ash qiyin emas. Prezidentimiz Qoraqalpog'istonga tashrifi davomida harbiylarimizning ham jismonan, ham bilim jihatidan barkamol bo'lishi uchun hamma sharoitlar yaratilayotganini ta'kidlab, ularni bo'sh vaqtlarida kitob o'qish va chuqur bilim olishga, axborot texnologiyalari va xorijiy tillarni puxta o'rganishga da'vat etgan edi.

Vatan himoyachilari bilan o'tkazilgan tadbirda Prezidentimizning yuksak ishonchi, hayotiy da'vati harbiylarimiz uchun hayot tamoyiliga, ezgu intilishga aylanishi lozimligi alohida ta'kidlandi. Garnizon kutubxonasiga ham O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi tomonidan kitoblar sovg'a qilindi. Bu yerda xizmat o'tayotgan askarlar orasida ijodkor yigitlar bor ekan. Ular vatanparvarlik, sog'inch, muhabbat mavzusida yozgan she'rlarini o'qib berishdi.

Ishonchimiz komil, bugun qoraqalpog'istonlik ko'zlari yonib, qadamlar o't chaqirib, bilaligga g'ayrati sig'may ketayotgan yoshlar ertaga, albatta, qaysi sohada bo'lishidan qat'i nazar, Vatanimiz dovrug'ini butun dunyoga tarannum etadigan yigit-qizlar bo'lib ulg'ayadi.

Bugun Toshkent yoki Nukusda, Termiz yoki Farg'ona shahrida yashab, ta'lim-tarbiya olayotgan yoshlar singari poytaxtimizdan 1530 chaqirim olisda, qo'shni Qozog'iston bilan chegaradosh hududda joylashgan "Qoraqalpog'iston" shaharchasida yashayotgan o'g'il-qizlarning yuz-ko'zlarida baxt, ishonch, quvonch nurlari porlab turibdi. Boisi ular Yurtboshimiz tomonidan yoshlarga qaratilayotgan otalarcha g'amxo'rlik va mehr-e'tibordan har kuni har lahzada bahramand bo'lib, butun vujudi bilan, yurak-yuragidan sezib, his qilib ulg'aymoqda.

Jo'rabek JAHON,  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi

## MENING FIKRIM

# YOSHLAR ITTIFOQIGA taklifim bor

Fayzixon IBROHIMOVA

Bekatta yonimga bir olifta qiz kelib o'tirdi. Libosi va o'zini tutishini ko'rib xorijlikmi, deb o'yladim. Adashibman.

U telefonini olib, kimgadir qo'ng'iroq qildi: — Mopi, gde ti, man sho'ttaman, zachem opazdivaesh, ya jdu. Bo'laqol... Oradan o'n daqiqa o'tar o'tmas "Mopi" keldi. U ham xuddi dugonasi g'axshab kiyinib olgandi.

— Oy, Zuli, kak eto tak? Man sani anov yoqda jdu. A ti zdes? Kecha ne zdes je xoteli vstrechatsya dedik-ku.

— Mopi, anov dovdiring nima dedi kecha? Zavtra jdu, dedimi? Voy, o'lib qolaman. Avval o'zining turishiga posmotret qilsin...

Tavba, ikki tilni buzib gaplashish qachondan beri urfga aylana qoldi? Yoki bu insonning bir-biriga nisbat berishi, baholashining yangi shakli?

Buvim so'zlashuv munosabatlari nihoyatda go'zal va muloyim bo'lishi kerak, deya uqtirardi. To'g'ri, o'zga tillarni o'rganishning afzalliklari bisyor. Lekin bu jarayon o'zlikni yo'qotish evaziga amalga oshmasligi kerak.

Kasb taqozosi bilan tadbirga

bordim. Ma'ruzachilar madaniyat haqida ruscha-o'zbekcha so'zlarni aralashitirib gapirganini ko'rib g'ashim keldi. Qani endi, imkoni bo'lsa-yu, "Iltimos, faqat bitta tilda gapiring", — desang. Andisha qilasan. Aslida ana shu andisha sabab tilimizga putur yetmayaptimikan, deb o'ylab qolaman. Bu madaniyatdan emas, aksincha, ma'naviy sayozlikdan darak-ku.

Yuqorida keltirilgan misol dengizdan tomchi, xolos. Hech yo'q, o'zbek tilini o'rganib, asarlarimizni o'z tiliga tarjima qilayotgan xorijliklar oldida uyalmaslik uchun ona tilimizda ravon so'zlashimiz shart.

Yoshlar ittifoqi bu borada tushuntirish ishlarini doimiy ravishda amalga oshirsa, foydadan xoli bo'lmaydi. Ayniqsa, o'zbek tilini o'rganayotgan xorijlik talabalar ishtirokidagi davra suhbatlari, o'z samarasini berishiga ishonaman. O'ylaymanki, yoshlar tashkiloti bu masalaga, albatta, e'tibor qaratadi.

## HIKMAT

# Naf'ing agar xalqqa beshakdurur, Bilki, bu naf' o'zungga ko'prakdurur.

Alisher NAVOIY

## PSIXOLOG MASLAHATI

— Endigina 18 ga kirdim. Avvallari ko'p kitob o'qir, she'rlar yozardim. Ammo ulg'ayganim sayin hayotga qiziqishim so'nyapti. Dardlashadigan yaqinim yo'q, chunki hech kimga ishonmayman. O'tonam ham ajrashgan, hozir oyim bilan yashayman. Qog'oz maydalash, biror narsani sindirishdan rohatlanaman. O'zgarishni xohlayman, menga maslahat bering.

Hafiza ABDUSAMATOVA  
Chirchiq tumani

### Savolga psixolog Akobir ABDULLAYEV javob beradi:

— Anglashimcha, sizdagi muammoning asosiy sababi o'ta-onangizning ajrashganidir. Ulardan norozi bo'lish, achchiqlanishingiz tabiiy. Kattalarga qasma-qasd shunday qilayotgandirsiz, ehtimol. Lekin bu bilan o'zingizga jabr qilasiz, xolos.

Ayni damda sizni aql emas, hissiyotlar boshqaryapti. Oyna sindirish, qog'oz maydalashdan rohatlanish bu — vaqtinchalik holat. Aslida inson o'zini butkul hissiyotlar iskanjasiga topshirmasdan, aqlga tayanib ish ko'rmog'i lozim.

Avvalo, o'zingizga savol bering: qanchalik to'g'ri ish tutyapman, bu harakatlar bilan nimani isbotlamoqchiman? Nazarimda,



na sirdoshingiz va na biror do'stingiz bor. Maslahatim, qobig'ingizga o'ralib olmasdan, tashqariga ham nazar tashlang. Bu vaziyatda do'st orttirish, ko'proq muloqotda bo'lish ayni muddao. Har kuni ertalab yugurish ham diqqatni chalg'itib, yurakdagi g'uborlardan xalos bo'lishga yordam beradi.

Ayni o'qib-o'rganib, izlanadigan pallada ekaningizni unutmag. Chunki bugungi harakatingiz ertangi kuningizni belgilab beradi. Hayotga qanchalik samimiy nigoh bilan boqsangiz, u ham sizga bundan-da yorqin lahzalarni tuhfa etadi. Psixolog qabulida bo'lish ham zarar qilmaydi.

## YOSHLIK ILHOMI

# Tazarru

Manzura ABDULLAYEVA

Meni sovuq sud zaliga ikki qo'lim kishanlangan holda keltirishdi. U yerdagilarning jirkanishi va nafrat to'la nigohlarini sezib, ichimdan zil ketdim. Shu chog'da qari kampir kelib yoqamga yopishdi, sochimdanda mahkam changalladi.

— Bolamni topib ber, juvonmarg!

Uni zo'rg'a ajratib olishdi. Men esa sochim ildizidagi qat-tiq og'riqqayam parvo qilmadim. To'g'ri olib borib aybdorning qora kursisiga o'tqizishdi. Yig'ilganlarning ovozi tinmasdi:

— O'zi mushtdekkin bo'la-turib, iblis qiyofasiga kirishdan qo'rqmaganini qaranglar-a, bu butunlayamning.

So'roqqa tutishguncha yonimdagi soqchidan aybimni bilishga arang ulgurdim.

— Nega meni bu yerga olib keldingiz?

Uning yuzi tirishdi. — Qanchadan-qancha odamni go'rga tiqqaningni nahot bilmasang'!!

— Tuhmat, men hech qachon odam o'ldirmaganman, hatto chiyoga ham ozor bermaganman! Xudodan qo'rqsangizchi! — dedim o'pkam to'lib.

— Umriga zomin bo'lganlaring ichida begunohlariyam ko'p, norasida go'daklar-u himoyasiz ayollarni ham ayab o'tirmagansan.

— Bo'lsa bordir. Lekin meni boshqa birov bilan adashitirapsizlar, hali buning uchun hammalaring javob berasizlar, — dedim piri-piriga ko'zlarimdan yuzimga tinmay oqib tushayotgan alamli yoshlarni titroqli barmoqlarim

bilan bazo'r artib.

Dunyoda eng yomon narsa — tuhat. Boshim gangib qoldi. Sudyaning usma-ust yog'dirgan savollariga avvaliga dadil-dadil, keyin esa, istar-istamay javob berardim. Umrimning eng gullagan chog'ida zilday tuhatga yo'liqish peshonam yozig'i ekan. Ko'z ko'rib, quloq eshitmagan ayblarning menga taqalishidan ruhim butunlay sindi.

Sud hukmi o'qildi: "Jinoyatchining ashaddiy qotilligi, dalillar, isbotlar yetarliyi uchun u bir umrga ozodlikdan mahrum etilsin!".

Sud soqchilari menga yanada mahkamroq yopishdi. Dahshat girdobida qichqirdim:

— Begunohman! Beaybman! Beozorman!

Hamma ustimdan kuldi...

Birdan cho'chib uyg'onib ketdim. Hayriyat, tushim ekan. Allohga ming shukronalar keltirdim. O'sha zahoti o'rminan turib, kitob javonimga yaqinlashdim. Yozgan asarlarimga beixtiyor tikilib qoldim. Hozirgacha "o'ldirgan" qahramonlarimga juda-juda achindim. So'ngra yozuv stolimga o'tirdim. Endi inson umrining naqadar qimmatli ekanini chuqur anglagandayman. Qalamimni "qonga botirish"dan, shoshilib "hukm chiqarish"dan o'zinni tiydim.

MUASSIS  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.  
Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdalievich

TAHRIR HAY'ATI  
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,  
Alisher Sa'dullayev, Dilmurad Nabiyev,  
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir  
o'rinbosari ("Molodezh Uzbekestana"),  
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodezh Uzbekestana")

Dizayner  
Abdullayev Xurshid  
O'ktamjonovich  
Navbatchi  
Boboravshan G'oziddinov  
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

"YOSHLAR OVOZI"dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.  
belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,  
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonamanzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.  
Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-1136  
Adadi — 11186  
Boshiga topshirilish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 00.25  
Ofset usulida bosilgan.